



Ўзбекистон Республикаси маданият вазирлиги  
Фарғона вилояти хокимлиги  
Фарғона давлат университети

**БУЮК ИПАК ЙЎЛИДА ФОЛЬКЛОР  
САНЪАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ  
ЖАРАЁНЛАРИ**

Халқаро илмий-ижодий конференция  
(Марғилон шаҳри, 2019 йил 11-13 июль)

**МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ**

**ПРОЦЕССЫ РАЗВИТИЯ  
ФОЛЬКЛОРНОГО ИСКУССТВА НА  
ВЕЛИКОМ ШЕЛКОВОМ ПУТИ**

Международная научно-  
творческая конференция  
(Маргилан, 11-13.07.2019)

**СБОРНИК СТАТЕЙ**

**PROCESSES OF FOLKLORE ART'S  
DEVELOPMENT ON THE GREAT  
SILK ROAD**

International scientific-creative  
conference

(Margilan, 11-13.07.2019)

**DIGEST OF ARTICLES**



Фарғона-2019

кетувчи қушлар бир жойда тушлайишаверибди. Кейин юнглариини рангдор нурлар таралаётган ёш Бўри пайдо бўлиб, қушлар ундан хуржимай, қадларини гоз тутиб, қанот керишибди.

Бўри паррандаларининг кўксини тишлаб қопатгач, улар миттигина бир қушнинг ёнига галма-гал келишиб, қонларини унинг патларига суртиб ўта бошлашибди. Қонлар суртилган сайини, митти қушча катталаша бориб, охири улкан қушга айланибди. Босқинчиларининг тошатар қушларига ҳавода кирои солиб, туронликлар галабасига йўл очиб берган инҳоят кучли, ўта сезувчан бу қуш сўнги жангдан кейин ўлкамоқ узра тинсиз чарх уриб, тоғларини бургут шаклига кириб, сахроларни лочинга айланиб, дала-даштларини турна бўлиб кезиб чиқибди. Охири Қутли отанинг боғида бир кеча булбул бўлиб сайрабди. Ерта саҳарда яна ўз шаклига қайтиб, кўкка парвоз қилиб, шу зайл юқорилаб бораверибди, юқорилаб бораверибди ва бирдан ярқ этиб чакнабди-ю, қўшин илк нурига қўшилиб кетибди.

Неча замонлар ўтиб, хатто кўплаб дарё ва тоғларнинг номи ҳам ўзгарибди. Асмо семиртирилган маъносини англагучи ўша халоскор қуш бирда "Семурғ" тартида тилдан-тилга учиб, дилдан-дилга қониб, афсоналарда мангу яшаб қолаверибди...

Ҳикоя муаллифи "Семурғ" ривояти орқали бургут, лочин ва турна образи орқали эрк, озодлик ва тинчлик рамзларини ифодалашга ҳаракат қилган. Бу қушларнинг кўксини бўри тимдалаб, қонини окзиши эса, ҳеч кимга бўйсинмайди деган ўрмон йирткичи семуруғнинг илоҳийлигига ўз хиссасини қўшгандай бўлади гўё.

Семурғ юртни босқинчилардан озод қилиб, юксакка парвоз қилиб, қўш нурларига сингиб кетиши ҳикояда болаларнинг ақли тафаккуринга таъсир қилади.

Мазкур ҳикояда келтирилган икки ривоят ҳикоя қаҳрамони ямоқчи қолнинг ўли билмаган, англамаган иқтидори борлигини бола тилида айтганида "Ўқитувчим билмайдиганларини биладиган" авлиёсифат қолнинг ривоятлари тарих саҳифаларини янада чуқурроқ ўрганишга қорлайди. Қитобхонга ҳикоядаги "Хумо қуш" ва "Семурғ" ривоятлари биринчи мартаба эшитилаётган бўлса, ажаб эмас.

## ФОЛЬКЛОР АСАРЛАРИ ПЕРСОНАЖЛАРИ ИСМЛАРИНИНГ ДИСКУРС РЕЛЕВАНТИ СИФАТИДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

С.Мўминов,

Фарғона давлат университети профессори.

М.Мамажонов,

Фарғона давлат университети тадқиқотчиси

Асли инглизча бўлиб, folk(халқ) ва loge(билим) сўзларининг қўшилишидан ташкил топган ф о л ь к л о р асарларига асосан эртак, достон, қўшиқ, лапар, масал, мақол, матал, топишмоқлар киради [6.355]. Ёзма бадий адабиётнинг пойдеворлари бўлган бу жанрлардаги асарларда унинг яратувчиси бўлган халқ руҳияти яққол намоён бўлади. Бу намоёнлик, энг аввало, уларнинг ягона ва бирдан-бир ифода воситалари бўлган сўзларда, жумладан, персонажларга қўйилган исмларда акс этади.

Маълумки, бадий асарларда ёзувчининг асосий гоявий нияти персонаж орқали илгари сурилар экан, унда иштирақ этадиган қаҳрамонлар исмлари ҳам асар гоясини ойдилаштириш, персонажларнинг ўзига хослигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шунинг учун ҳам тажрибали ва маҳоратли адиблар персонажнинг руҳий дунёсини, ўзига хос табиатини очиб, воқеалар рўй бераётган ҳудудни англаш, миллатнинг ўзига хосликларини таъминлаш мақсадида персонажларнинг исм-фамилияларига алоҳида эътибор қаратадилар. Бу борда калк оғзаки ижодида етарлича тажриба мавжуд бўлиб, қуйида биз айнан мана шу маълум фикр юритамиз.

Бунинг учун мақоламиз номида қўлланилган илмий атамаларга, бу атамалар билан боглик ҳодисалар моҳиятига қисқача изоҳ бериб ўтишга тўғри келади.

XX асрнинг сўнгги чорагидан жаҳон тилшунослигида лисоний фаолият махсули бўлган ҳар қандай нутқий тузилмани уни яратувчи шахс – муаллиф ва реципиент мулоқоти нуктан назаридан тадқиқ этишга катта эътибор қаратила бошланди. Нутқий тузилмани мулоқот жараёни сифатида ўрганиш дискурс тушунчасининг юзага келишига сабаб бўлди [5.16].

**ДИСКУРС**(фр. *Diskours* – нутқ, ҳаракат) термини жаҳон тилшунослигида бир неча маънода талқин қилинади. Бу термин дастлаб боғланма мати тушунчасини ифодалаган бўлса, кейинчалик суҳбат, диалог тушунчаларига нисбатан ҳам қўлланила бошланди [2.467]. Мазкур термин остида ҳозирги кунда экстралингвистик, хусусан, психологик, ижтимоий ва шахс онги билан боғлиқ омилларни мужассам этган нутқ тушунчасини тушуниш тенденцияси кенгайиб бормокда [4.7]. Шунинг билан бирга, *дискурс* сўзи ифодалаган ходисани соф тилшунослик нуктан назаридан тадқиқ этиб бўлмаслиги, бунда психология, гносология, жамиятшунослик, фалсафа, когнитология каби бир неча фанларнинг ҳамкорлиги тақозо этилиши ҳам айни кунда эътироф этилган ҳақиқатдир [4.8].

Ўтган асрнинг 50- йилларида америкалик тилшунос Зеллинг Харрис томонидан биринчи марта қўлланилган *дискурс* сўзи бугунги кунда тилшуносликнинг марказий масалаларидан бирини ифодаловчи ходисани англатмокда.

*Дискурс* тушунчаси ҳозирги даврда шиддат билан содир бўлаётган фанлар интеграциясини ўзида яққол намоён этади. У адабиётшунослик, тилшунослик, фалсафа, тарих, социология, антропология, педагогика, сиёсатшунослик каби фан соҳаларининг ҳар бирида махсус дефицицияга эга бўлиши билан бирга, бугунги кунда янги йўналишлардан бири ҳисобланган *дискурсив таҳлил*нинг ҳам марказий муаммоларидан бирга айланди.

Кўринадики, нутқий тузилмани бу тарзда ўрганиш тадқиқотчига жуда катта имкониятлар эшигини очиб бериш билан бирга, унинг дискурсив таҳлил деб номланган “*фанлар чорраҳаси*”дан ўтишини ҳам тақозо этади.

Релевант сўзининг ўзаги *реле* (электр занжирини улайдиган ва узатган асбоб, автомат рубильник [3.352] ) бўлиб, О.С. Ахманова луғатида унинг *тил бирликларини фарқлаш, мулоқот воситаси* маъноларида қўлланилиши ҳам берилган [1.383]. Биз ҳам бу терминни айнан мана шу маъноларда қўллаймиз.

Демак, бизнинг ушбу мақоламиз фольклор асарлари персонажлари исмларининг *мулоқот воситаси, ўзи номлаётган объектни бошқа объектлардан фарқлашлик хусусиятлари* ҳақида.

Фольклордаги эртақ ва дostonларда халқ манфаатларини ҳимоя қилувчи қаҳрамонларнинг исмлари ҳар доим ижобий маъно ташийди. Масалан, *Муқбил тошотар, Қилич ботир, Одилхон, Доно, Соҳибжамол* каби. Аксинча, халқ салбий қаҳрамонларга нисбатан ғзаб ва нафратни акс эттирувчи фикрни ҳам исмлар зиммасига юклайди: *Макотил, Мудбир, Эгри* каби.

Одатда эртақларда қаҳрамонлар экспозицияда тўла тасвирланмайди. Уларнинг ўзига хос исмларийёқ сурат ва сийратларини англатиб қўяди. Яъни қаҳрамоннинг руҳий дунёси, унинг қандайлиги исми орқали англашилади. Бундай номлар қаҳрамон қиёфасини белгилайди: *Қорасочпар, Зумрад, Маржона*; характерли хусусиятини билдиради: *Эгри ва Тўғри, Маликаи айёр, Алдарқўса*; хунар ва касбинин билдиради: *Юлдузсанар, Дарёбоғлар, Эшмурод чўпон, Муқбил тошотар*; қайси миллат ва худуд вақили эканлигини билдиради: *Момир билан Сомир* (туркман йиғитларининг исмлари) каби.

Исмларга алоҳида ургу бериш: улар орқали асосий гоёни илгар и сурини, қаҳрамонлар ички оламини очиб бериш халқ оғзаки ижодида хос хусусиятдир. Жумладан, “*Одилбек билан Хуррамбек*” деб номланган эртақда подшонинг икки хотинидан икки ўгли борлиги, Одилбек доимо халқининг фаровонлигини ўйловчи одил, Хуррамбек эса фақат ўз манфаатини кўзлайдиган йиғитлар эканлиги

таъсирланади. Эртақ ниҳоясида Хуррамбек ўз нафсининг қурбони бўлганлиги, Одилбекни эса халқ ўзларига подшо қилиб олганлиги айтилади. Эртақнинг эпизодик образлари ҳисобланган Гулпаризод ва Дилоромлар ҳам ўз исмларига жуда муносиб таъсирланади.

“Зафаршоҳ” номли эртақ бош қаҳрамони Зафаршоҳнинг отаси Замоишоҳлиги (ота-бола исмларининг оҳангдошлиги), эртақ ниҳоясида бош қаҳрамон (Зафаршоҳ) голиб бўлишлиги {7. 68} ҳам доно халқимиз ўз эртақлари қаҳрамонлари исмларига алоҳида эътибор билан қараганлигидан далолат беради.

Халқ оғзаки ижодининг эртақдан бошқа жанрлардаги асарларида ҳам исмлардан дискурс релеванти сифатида кенг фойдаланилади. Жумладан, ўзбек, қozoқ, қирғиз, уйғур ва бошқа туркий халқларда “куи” ва “ой” сўзлари билан келадиган исмлар кенг тарқалган ва улар орқали маълум мақсадлар илгари сурилган. Жумладан, ўзбек халқ дostonларидан “Ойсулув”даги Ойсулув ва унинг ўғли Кунботир; “Кунтуғмиш” дostonининг бош қаҳрамони Кунтуғмиш; “Юсуф ва Аҳмад” дostonидаги Кунхон ва Ойхон; қozoқ халқ ижодидаги “Оймон-Шулмон” дostonи; “Кунекей қиз”даги Ой ва Кун номлари; қирғизларнинг “Манас”идаги Ойчурек, Ойканиш, Тўлғоний образлари; қoraқалпоқ халқ оғзаки ижодидаги Ойсанам (“Ғариб Ошиқ”), Ойсулув (“Қирқ қиз”)лар ва бошқалар фикримизга яққол мисол бўла олади.

Ўзбек халқининг қаҳрамонлик эпоси бўлмиш “Алпомиш” дostonидаги бош қаҳрамоннинг асли исми Ҳақимбек бўлиб, у паҳлавон ва ботирлиги учун Алпомиш (Алп – паҳлавон) деб ном олган. Дostonдаги салбий қаҳрамонларнинг исми эса ўзлари каби ёмон, ёқимсиз исмлар билан аталади (Сурхайил кампир, Бўйбўри каби).

Х у л л а с:

а) *мулоқот, диалог, суҳбат* маъноларини англатадиган дискурс бугунги кунда бир неча фанлар чорраҳасида тадқиқ этилмоқда;

б) *ўзаги реле сўзидан олиган бўлиб, улаш, ажратилиш* маъноларини англатадиган *релевант* атамаси бугунги кунда тилшуносликда ҳам *боғловчи, фарқловчи* восита тушунчасида қўлланилмоқда;

в) доно халқимиз ўзи яратган фольклор асарларида қаҳрамонлар исмларидан ҳам *дискурс релеванти* – *мулоқот воситачиси* сифатида усталик билан фойдаланади ва исмлар халқ оғзаки ижодига мансуб асарларнинг халқоналиги, таъсирчанлигини таъминлайди.

#### Адабиётлар:

1. Аҳманова О.С. Словарь Лингвистических терминов. – М.: Сов.энциклопедия, 1969.
2. Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск VIII. Лингвистика текста. – М.: Прогресс, 1978. – С. 467-468.
3. Русча-ўзбекча луғат. – Тошкент: Ўзбек Сов.энциклопедияси Бош редакцияси, 1984.
4. Седов К.Ф. Дискурс и личность. – М., 2004. – С. 7-8.
5. Худойберганаова Д. Матннинг антропоцентриқ тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2013.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдли. Тўртинчи жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008.
7. Ўзбек халқ эртақлари. – Тошкент: Ёш гвардия, 1985.

#### ЭТОСФЕРА – ГЛОБАЛ МУАММО СИФАТИДА

Н.Салиев, ФарПИ доценти.

Фалсафа, этика (ахлоқшунослик) ҳақидаги илмий манбаларда “этносфера” атамасининг истифода этилаётганига кўп бўлгани йўқ. Этносфера – “ахлоқ” ва “муҳит” сўзлари бирикмасидан ясалган бўлиб, “ахлоқий муҳит” деган маънони билдиради. Янги XXI асрнинг биринчи чорагига келиб, луғат бойлигимиздаги биосфера, литосфера,

94.	<i>С.Мўминов, М.Мамажонов</i> Фольклор асарларин персонажларин исмларининг дискурс релеванти сифатида қўллашнинг	226
95.	<i>Н.Сапиев</i> Этосфера – глобал муаммо сифатида	228
96.	<i>Г.Ҳулдасhev</i> Mahalliy erkak kiyimlari va ularni mintaqaga qarab farqlanishini o'ziga hos hususiyatlari	231
97.	<i>М. Аҳмедбекова</i> Ўзбек достончилиги таснифи	233
98.	<i>Х.Шарафиддинов</i> “Ҳикматдир ҳаёт” ҳикматлари	235
99.	<i>З.Бобоева, М.Ҳусанова</i> Фольклоршуносликда афсона ва ривоятларнинг ўрни ва аҳамияти	237
100.	<i>Д.Т.Намозова</i> О'қувчиларни халқ ижодийотининг folklor janrlari orqali axloqiy-estetik tarbiyasidagi tutgan o'g'mi	239
101.	<i>Ш.Усмонов</i> Баркамол авлодни тарбиялашда халқ оғзаки ижодиётининг ўрни	242
102.	<i>Ш.Усмонов</i> Ўзбек халқ ижодиётининг ёшлар психологиясига таъсири	243
103.	<i>Н. Абдулазизова</i> Халқ педагогикасининг дидактик ва тарбиявий имкониятлари	244
104.	<i>Н. Абдулазизова</i> Халқ фольклоринда педагогик фикрларнинг ўрни ва аҳамияти	247
105.	<i>Д.Рафиқова, Ш.Ибрагимова</i> Оилада халқ оғзаки ижодининг тутган ўрни ва аҳамияти	250
106.	<i>З.Б.Якубов</i> Шапмақом туркумининг савт ва мўғулчалари хусусида	251
107.	<i>Д.Рафиқова, Ш.Ибрагимова</i> Халқ оғзаки ижодида “алпомиш” достонининг ўрни	254
108.	<i>Д.Рафиқова, У.Азимов</i> Фольклор санътининг миллий қадриятларимиз тизимида тутган ўрни	255
109.	<i>Х.Х.Шодиев</i> Халқ ижодиёти ва бадиий ҳаваскорлик –ижтимоий-тарихий ҳодиса сифатида	257
110.	<i>А.Турдиев</i> Фольклор рамзларининг ёзма адабиётдаги ифодаси	261
111.	<i>И.Р.Аҳмедова</i> Фольклоршунослик ва унинг ўзи хос хусусиятлари	266
112.	<i>Ғ.Расулова</i> Milliy mafkuramiz g'oyalari va qadriyatlarimizni singdirishda xalq og'zaki ijodi namunalari o'qitishning o'g'mi	268
113.	<i>Х.Юнусалиева</i> Ўзбек халқ эртаклари асосида ёш авлодни тарбиялаш омиллари	270
114.	<i>Т.М.Умматқулов</i> Фольклор санъатида – болалар саломатлигининг мустаҳкамлаш воситалари	271
115.	<i>Ҳ.Ҳўжаева</i> Буюк ипак йўлида маданий алоқалар	272
116.	<i>Б.Байдиғанов</i> Буюк ипак йўли мамлакатларида инновацион таълим технологияларидан самарали фойдаланиш амалиёти	274